

ТАЙЛОҚ МАЙДОНИНИНГ ГЕОЛОГИК ТУЗИЛИШИ, СТРАТИГРАФИЯСИ

Панжиев Ҳикмат Аҳадиллаевич

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти,

E-mail: hikmat.panjiyev02@mail.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10836602>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Бухоро-Хива нефт газли вилоятида жойлашган тайлоқ майдонини геологик тузилиши ва стратиграфияси келтирилган.

Калит сўзлар: Бухоро-Хива, нефт-газ, палеозой, мезозой, кайнозой.

ABSTRACT

The article presents the geological structure and stratigraphy of the wetland located in the Bukhara-Khiva oil and gas region.

Key words: *Bukhara-Khiva, oil and gas, Paleozoic, Mesozoic, Cenozoic.*

Чорджоу поғонасининг геологик тузилишида палеозой, мезозой ва кайнозой ётқизиклари қатнашади. Чўкинди қобиғи тоғ жинсларининг литологик тузилиши ва уларнинг қалинликлари лойиҳалаштирилаётган қидирув бурғу қудуқларида бевосита Тайлоқ кондаги ҳамда унга яқин жойлашган майдонлар, хусусан— Қандим Қумли ва бошқа майдонлар чуқур бурғулаш маълумотларига асосан аниқланган.

Ўрганилаётган майдоннинг чўкинди қобиғи юра (J) даврининг карбонат-сульфатли терриген ётқизикларидан, бўр (K) даврининг асосан терриген, палеогеннинг карбонатли терриген ва неоген-тўртламчи (Q) даврнинг континенталь ётқизикларидан ташкил топган.

Майдоннинг геологик тузилишида палеозой (PZ), мезозой (MZ) ва кайнозой (KZ) тузилмалари қатнашадилар.

Палеозой ётқизиқлари-PZ.

Палеозой ёшидаги тоғ жинслари лойиҳалаштирилаётган майдон тасарруфида Хатар майдонидаги №1П бурғу қудуғида очилган ва улар кварц ва пирит аралашган майда донадор алевролитлардан иборат. Тоғ жинсларининг ранги тўқ-кулранг, кулранг.

Мезозой группаси (MZ).

Юра системаси-J Юра системаси ётқизиқлари учта бўлимдан иборат-қуий, ўрта ва юқори. Бу система ётқизиқлари кесими Хатар майдонидаги №1П бурғу қудуғида тўлиқ очилган. Хатар майдони Тайлоқ майдонига бевосита яқин майдонлардан ҳисобланади.

Қуий-ўрта юра- J₁₊₂. Терриген юра ётқизиқлари Тайлоқ кони тасарруфидаги №1 излов бурғу қудуғида очилганлар (очилган қалинлиги 105м). Қуий-ўрта юра ётқизиқлари кулранг, тўқ кулранг майда синик тоғ жинсларидан, қатламлашган қумтошлар, глиналар, алевролитлар ва аргиллитлар тузилганлар. Терриген ётқизиқларининг қалинлиги лойиҳалаштирилаётган районда 60-100м оралиғида ўзгариб туради. Тайлоқ майдонида лойиҳалаштирилаётган бурғу қудуклари билан бу ётқизиқларни очиш кўзда тутилмаган.

Юқори бўлим- J₃.

Келловий-оксфорд яруси-J₃^{k+o}. Терриген юра ётқизиқлари устида карбонат тоғ жинсларининг катта қалин қатлами ётади, улар Тайлоқ конида бутун қалинлиги билан фақат №1 излов бурғу қудуғида очилганлар. Келловий-оксфорд ётқизиқлари XVI, XV-a, XV-3, XV-2, XV-1 горизонтларига ажратиладилар.

XVI- горизонт асосан зич, қаттиқ тўқ кулранг деярли қора рангли глинали оҳактошлардан иборат. Тайлоқ конидаги №1 бурғу қудуғида XVI- горизоннинг очилган қалинлиги 54м ни ташкил қиласди. Тайлоқ майдонида

лойиҳалаштирилаётган бурғу қудуқлари билан бу ётқизиқларни очиш кўзда тутилмаган.

XV-а горизонти асосан зич, қаттиқ, кул ранг ва тўқ кул ранг оҳактошлардан иборат. Тайлоқ конидаги №1 бурғу қудуғида XV-а горизонтининг очилган қалинлиги 19м ни ташкил қиласди. Тайлоқ майдонида лойиҳалаштирилаётган бурғу қудуқлари билан бу ётқизиқларни очиш кўзда тутилмаган.

XV-3 горизонти кул ранг доламитлашган оҳактошлардан ташкил топган. Оҳактошлар кучсиз кварцлашган, ангидритлашган ва пиритлашган, ангидрит юпқа қатламлари учрайди. XV-3 горизонтининг №1-8 бурғу қудуқларидағи очилган қалинлиги 59-67 м ни ташкил қиласди. Горизонтнинг кутилаётган қалинлиги 60 м ни ташкил қилиши мумкин.

XV-2 горизонти доломитлашган оҳактошлар билан доломитларнинг юпқа қатламларидан иборат. Оҳактошлар кварцлашган ва турли организмлар ва сув-үтларининг бўлакчалари билан жадал қайта кристалланганлар. XV-2 горизонтининг қалинлиги №1-8 бурғу қудуқларида 45-75 м ни ташкил қиласди. Горизонтнинг кутилаётган қалинлиги 60м ни ташкил қилиши мумкин.

XV-1 горизонти доломитлашган, алевролитлашган оҳактошлардан ва глинали майда донадор доломитлар билан ангидрит қатламчаларидан тузилган. XV-2 горизонтининг юқори қисми (шипи) чақиқ тоғ жинслари ва ангидритлар қаватлари билан қалинлиги унчалик катта бўлмаган оҳактош юпқа қатламларидан иборат. Горизонтнинг ўрта ва қуийи қисми асосан карбонат тоғ жинсларидан иборат. Келловий-оксфорд ярусининг умумий кутилаётган қалинлиги 160 м ни ташкил қиласди.

Кимериж-титон яруси –J₃km^{++t}.

Бевосита XV-1 горизонтининг устида табиий радиактивлиги юқори даражада бўлган тахлам жойлашган. Бу тахламнинг қалинлиги изчил ва 3-6 м ни ташкил қиласди. Бевосита гамма актив тахлам устида қалинлиги 13-59 м ли оқ ва оч кулранг зич ангидрит қатлами ётади, уни устида эса оқ туз тахлами (қалинлиги

17 м гача) ётади. Кон тасарруфида кимериж-титан ярусининг қалинлиги 12-72 м ни ташкил қиласди.

Бўр системаси-К.

Бўр системаси ётқизиқлари иккита бўлимдан иборат; қуи ва юқори.

Қуи бўр –К₁.

Неоком – апт яруси –К₁^{не+апт}. Неоком –апт ётқизиқлари қумтош, алевролит ва глиналарнинг нотекис қатламланишидан иборатдир. Қумтошлар кулранг, оч-кулранг, яшил-кулранг, ўртача ва майда донадор, слюдали. Глина ва алевролитлар ҳам шундай рангли, зич, қат-қатланган. Кон тасарруфида неоком-апт ётқизиқларининг қалинлиги 354-400 м ни ташкил қиласди. Неоком-апт ётқизиқларининг кутилаётган қалинлиги 350м ни ташкил қиласди.

Альб яруси-К₁^{ал}. Альб ярусининг қуи ётқизиқлари кулранг, тўқ-кулранг, ҳар хил донадор қумтошлардан иборат. Юқорида яшил-кулранг, тўқ-кулранг глиналарнинг қалин қатлами ётади. Альб қуи қисми ётқизиқлари (XI -горизонт) қумтошлар, оҳактошларнинг тўқ-кулранг глиналар юпқа қатламлари билан навбатлашиб қатламланишидан иборат.

Қумтошлар кул-ранг, тўқ-кулранг, яшил-кулранг, жинслашган глиналардан иборат. Кон доираси альб ярусининг қалинлиги 305-342 м ни ташкил қиласди. Альб ярусининг кутилаётган қалинлиги 310 м ни ташкил қиласди.

Юқори бўр-К₂.

Сеноман яруси-К₂sm. Сеноман яруси ётқизиқлари қумтошлар ва алевролитлар қатламлари иштирокидаги глиналар тахлами билан икки қисмга бўлинадилар. Қалинлиги 50 м бўлган бу тахлам X ва IX горизонтлар оралиғида жойлашиб, ажратувчи қисми бўлиб хизмат қиласди.

X-горизонт қумтошлар ва алевролитлар билан яшил кул ранг глиналар юпқа қатламларидан иборатдир. Кон тасарруфида X горизонтнинг қалинлиги 157-218 м ни ташкил қиласди. IX горизонт қумтошлар ва алевролитлар билан глиналар юпқа қатларидан ва кўмирлашган ўсимлик қолдиқлари аралашмасидан иборат. Бу яруснинг қалинлиги 270 м ни ташкил қиласди.

Турон яруси-К₂^t. Турон ярусининг қуи қисмида тўқ-куранг, майда донадор қумтош тахлами ётади. Кесим бўйлаб юқоридаги кул-ранг, яшил-кулранг, кучсиз оҳаклашган слюдалашган глиналар тахлами ётади. Юқори қисмида яшил-кулранг майда донадор қумтошлардан иборат VIII горизонт ажратилади. Бу ярусининг қалинлиги 275 м ни ташкил қиласди.

Сенон устки яруси-К₂^{sn} Сенон яруси ётқизиқлари қумтош, алевролит ва глиналарнинг нотекис қатламланишидан иборат. Тоғ жинсларининг ранги яшил-кулранг, кулранг слюдалашган. Сенон ётқизиқларининг қалинлиги 370 м гача. Бўр ётқизиқларининг умумий қалинлиги 1705-1895 м ни ташкил қиласди. Кутилаётган қалинлиги 405 м ни ташкил қиласди.

Кайнозой группаси-КZ.

Палеоген системаси-Р Муҳокама қилинаётган ётқизиқлар сенон устки яруси тоғ жинсларининг устида ювилиш билан ётадилар ва учта бўлимдан иборат; палеоцен (бухоро қатлари), эоцен (сўзоқ қатлами) ва олицен (олой қатлами).

Бухоро қатламлари (Р₁^{bh}). Оҳактошлар гипс, доломитларнинг юпқа қатлами билан, тоғ жинсларининг ранги кулранг, оч-кулранг, оқ. Қалинлиги 40-100 м ни ташкил қиласди. Кутилаётган қалинлиги 50 м ни ташкил қиласди.

Сўзоқ қатламлари(Р₂^{suz}). Глиналар тўқ-кулранг, яшил-кулранг, қаттиқ баъзи жойларда кучсиз қумтошлашган, оҳаклашган. Қалинлиги 40-60 м ни ташкил қиласди. Кутилаётган қалинлиги 55 м ни ташкил қиласди.

Олой қатлами (Р₂^{al}). Ўрта эоцен чўқмалари оч-кулранг, жигар ранг тусли, слюдалашган, қаттиқ, зич, балиқ тангачалари ва майда кристалли пирит уячалари аралашган мергел тахламларидан иборат. Қалинлиги 30-40 м ни ташкил қиласди. Кутилаётган қалинлиги 35 м ни ташкил қиласди.

Палеоген ётқизиқларининг умумий қалинлиги 360-373 м ни ташкил қиласди. Кутилаётган қалинлиги 330 м ни ташкил қиласди.

Неоген –тўртламчи система –N+Q.

Неоген (N) ётқизиқлари қумтошлар, гравелитлар, алевролитлар ва глиналарнинг қатламланишидан иборат. Тоғ жинсларининг ранги сарғиши-кулрангдан оч-жигар рангача, камдан-кам ҳолларда оч-кулранг.

Тўртламчи (Q) давр ётқизиқлари кон тасарруфидаги ҳамма ерда тарқалганлар. Жигарранг-кулранг, кулранг суглинкалардан, кумли тупроқлардан, шағаллардан, доналари майда шағалгача бўлган турлича донадор қумтошлардан, конгломератлардан ва гравелитлардан иборат.

Неоген –тўртламчи давр ётқизиқларининг қалинлиги 107-130 м ни ташкил қиласи. Кутилаётган қалинлиги 120 м ни ташкил қиласи.

Бурғу қудуғининг кутилаётган стратиграфик кесими (Тайлоқ майдони).

Стратиграфик бирликлар.	Ётиш оралиқлари, м.	Қалинлиги, м .
Неоген–тўртламчи давр ётқизиқлари.	0-120	120
Палеоген ётқизиқлари.	120-450	330
Шу билан биргаликда сўзок қатлами.	345-400	55
Бухоро қатлами.	400-450	50
Бўй ётқизиқлари.	450-2060	1610
Шу билан биргаликда сенон устки яруси.	450-855	405
Турон яруси.	855-1130	275
Сеноман яруси.	1130-1400	270
Альб яруси.	1400-1710	310
Неоком-апт яруси.	1710-2060	350
Юра ётқизиқлари.	2060-	660
Кимериж- титон яруси.	2060-2140	80
Юқори ангидритлар.	2060-2085	25
Юқори тузлар.	2085-2095	10
Ўрта ангидритлар.	2095-2105	10
Қуйи тузлар.	2105-2125	20
Қуйи ангидритлар.	2125-2140	15
Келловий–оксфорд яруси.	2140-	
Шу билан биргаликда XV-1 горизонти.	2140-2170	30
XV-2 горизонти.	2175-2235	60
XV-3 горизонти.	2240-2300	60

АДАБИЁТЛАР

1. Абидов А.А., Эргашев Й., Қодиров М.Х.: “Нефт ва газ конлари геологияси” Руслан-Ўзбекча изохли лугат. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, Давлат илмий нашириёти, Т., 2000й.
2. Панжиев X.A. Бухоро-хива нефтгазли вилоятидаги майдонларни гидрогеологик таснифи - *Educational Research in Universal Sciences*, 2024 - erus.uz
3. Ахмедов X.P, Панжиев X.A, Эшмуродов А.П. Строение юрско-меловых отложений центральной части Бухаро-Хивинского нефтегазоносного бассейна -StudNet, 2021
4. Эргашев Й., С. Абдуллаев, Қодиров М.Х., Холисматов И.Х.: “Нефт ва газ конлари геологияси”. “Шарқ” нашириёт-Матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, Тошкент-2008.
5. Латишова М.Г., Мартинов В.Г, Соколова Т.Ф.: Практическое руководство по интерпретации данных ГИС: Учеб.пособие для вузов –М.:ООО «Недра Бизнесцентр», 2007.-327с: ил.
6. Бухоро геофизика экспедицияси (БГЭ) фонд маълумотлари.
7. Амиробод кон-геофизика экспедицияси фонд маълумотлари.